

10-26-2020

CINEMATOGRAPHIC LANGUAGE CONCEPT AND ITS PECULIARITIES

Mekhrigiyo Shokirovna Shirinova
researcher, BSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Shirinova, Mekhrigiyo Shokirovna (2020) "CINEMATOGRAPHIC LANGUAGE CONCEPT AND ITS PECULIARITIES," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 4 , Article 9.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss4/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК: 81`44

КИНО ТИЛИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ПОНЯТИЕ “ЯЗЫК КИНО” И ЕГО ОСОБЕННОСТИ

CINEMATOGRAPHIC LANGUAGE CONCEPT AND ITS PECULIARITIES

Ширинова Мехригиё Шокировна

БухДУ тадқиқотчиси

Shirinova Mekhrigiyo Shokirovna

researcher, BSU

Таянч сўзлар: кино, кино тили, экран тили, аудиовизуал тил, лингвистик аспект, коммуникативлик, экспрессивлик, визуализация.

Ключевые слова: кино, язык кино, экранный язык, аудиовизуальный язык, лингвистический аспект, коммуникативность, выразительность, визуализация.

Key words: film, film language, screen language, audiovisual language, linguistic aspect, communication, expressiveness, visualization.

Мақолада кино тили тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари санаб ўтилган. Сценарийларни кино тили – экран тилига ўгириш учун киномуҳаррир деган мутахассис тайёрлаш зарур. Киномуҳаррир ҳам кино санъатидан, ҳам режиссёрликдан, ҳам адабиётдан, ҳам тил меъёрларидан хабардор бўлмоғи лозим. Шундагина кино тили сайқалланиб, ўз мақсадини амалга оширади. Бу мақсадни амалга оширишда эса тилшунослик фани беминнат ёрдамчи вазифасини ўтайди. Шунингдек, ушбу хусусиятлардан келиб чиқиб кино тилини лингвистик аспектда ўрганиш зарурлиги тўғрисида фикр юритилган

В статье перечислено понятие кинематографического языка и его особенности. Для того чтобы перевести сценарий на язык кино - экранный, необходимо подготовить специалиста - монтажера фильма. Киноредактор должен знать искусство создания фильмов и режиссуры, а также нормы литературы и языка. Только тогда язык кино будет отточен и достигнет своей цели. Лингвистика играет важную роль в достижении этой цели. Исходя из этих особенностей, было также предложено изучать язык кино с лингвистической точки зрения.

The article lists the concept of cinematic language and its specific features. In order to translate scripts into the language of cinema - screen language, it is necessary to train a specialist called a film editor. A film editor should be aware of both the art of filmmaking and directing, as well as literature and language norms. Only then will the language of cinema be polished and achieve its purpose. Linguistics plays an important role in achieving this goal. Based on these features, it was also suggested that the language of cinema should be studied from a linguistic point of view.

Кириш. Бугунги кунда санъатлар орасида тез суръатларда ривожланаётган ҳамда томошабинни ўзига жалб этиб, экранга миҳлаб қўядиган санъат тури бу кинодир. Унинг оммани ижтимоий-сиёсий ва маданий жиҳатдан тарбиялашда, кишилар онги, фикр ва қарашлари, эстетик дид ҳамда ҳис-туйғулари, умуман, маънавий дунёсининг шаклланишида ғоявий-бадиий таъсири жуда юқоридир. Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг “Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида ўзбек миллий кино саноатини ривожлантиришда, унинг кино бозорида рақобатбардошлигини оширишда бир қатор муаммолар борлиги айтиб ўтилган. Шундай муаммолардан бири “ишлаб чиқилаётган кино маҳсулотларининг мафкуравий-бадиий даражасининг пастлиги, сценарийнавислик, режиссёрлик ва актёрлик ишларининг лозим даражада сифатли эмаслиги, ёшлар учун маънавий намуна бўлиб хизмат қиладиган бадиий образларнинг кўпинча мавжуд эмаслиги ёш авлодни жасорат ва қатъиятлилиқ руҳида тарбиялаш, ёт «оммавий маданият»га қарши курашиш каби миллий

кинematографиянинг асосий мақсадларини амалга ошириш имконини бермаяпти” [1] дея изоҳланган. Бу муаммонинг ечими кино тили билан бевосита боғлиқ. Адабиётда асосий қурол сўз бўлганидек, кинонинг ҳам муҳим қуролларидан бири кино тилидир.

Асосий қисм. “Расмлар, театр саҳналари, кинотеатр экранлари ва китоб саҳифалари бизга гапиради. Биз қар бўлмаимиз, унинг тилини тушунишга ҳаракат қиламиз” [2]. Дарҳақиқат, барча санъат асарларининг ўзига хос тили мавжуд, шу жумладан, кинонинг ҳам. Кино тили – кўп қиррали тушунча. Бу тушунчанинг пайдо бўлиши овозли киноларнинг яратилиши ва кинонинг санъат тури сифатида эътироф этилиши билан боғлиқ. Бу мақомга эришиш эса ўз-ўзича содир бўлгани йўқ: қанчадан қанча эътироз ва қаршилиқларга учради. Кино тили, энг аввало, экран тилидир. Уни ўрганиш муаммоси кўпгина таниқли хорижий олимларни қизиқтирган. С.Эйзенштейн, В.Пудовкин, Р.Арнхейм, Б.Балаш, З.Крокауэр, Ю.Лотман, Ж.Садул, Е.Теплица, С.Фрейлих, М.Андронникова ва бошқаларнинг асарларида кино тилининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди [3]. Шунингдек, кинонинг экспрессивлиги, унинг илдиши, санъат соҳасида тутган ўрни Н.Горницкая, И.Вайсфельд, Н.Зорка, А.Казин, Л.Козлов, В.Михалкович, К.Разлогов, И.Шилова ва бошқа кўпгина киношунослар томонидан тадқиқ этилди. Кино ва кино тили соҳасида олиб борилган тадқиқотларни юздан ортиқ санашимиз мумкин. Бу нимадан далолат беради? Изланишларимиз шуни кўрсатдики, кино тилини ўрганиш кўпгина соҳаларнинг ваколатига кирар экан. Масалан, маданият, санъат, киношунослик, психология, эстетика, тилшунослик ва бошқалар. Кино тилининг кўпгина соҳалар билан алоқадорлиги уни 2 маънода қўлланилишини тақозо этади:

Кенг маънода кино тили деганда кинони томоша қилаётганда уни тушуниш, ҳис этиш учун иштирок этадиган барча унсурлар (овоз, мусиқа, жой тасвири, имо-ишоралар, сўзлар, қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши, кийими, ўзини тутиши ва бқ.) мажмуи тушунилади.

Тор маънода эса аудиовизуал алоқани юзага чиқариш учун хизмат қиладиган сўзлар мажмуи тушунилади.

Кино, асосан, бўш вақти мавжуд аудиторияга мўлжалланган. Бу аудиториянинг кўпчилигини уй бекалари, кексалар ва болалар, бир қисмини эса бўш вақти мавжуд турли тоифадаги томошабинлар ташкил этади. Демак, биз истаймизми ёки йўқми, кино бутун жамиятга, унинг келажагига таъсир этади. Унинг таъсири элнинг равақига хизмат қилишини таъминлаш мақсадида кино тилини лингвистик аспектда ўганиш зарур.

Алоқа ва семиотика умумий назариясининг ривожланиши аудиовизуал, биринчи навбатда экран, алоқа тизимларини олимлар диққат марказига қўйди. Ушбу кўп функцияли соҳанинг бир қисми бўлган экран тасвирини ҳамма (яъни санъат соҳасига тегишли бўлмаганлар ҳам) аудиовизуал алоқанинг қонуниятларини ҳисобга олмасдан тушуниши мумкин эмас. Экрани кўлаб алоқа воситаларидан бири ҳисоблайдиган семиотиканинг ривожланиши билан ўзида тилшунослик, эстетика, психология ва бошқа фанларнинг сўнгги ютуқларига асосланган кино тили тизимини яратиш тенденцияси пайдо бўлди. Кино ва кино тили тушунчаларининг назарий асосларини лингвистик тушунчалар асосида Р.Барт, Вяч. Иванов, Ю.Лотман, К.Метц, П.Пазолини, Б.Эйхенбаум, Р.Якобсонлар, умумий методологик соҳада фалсафий муаммоларини В.Сальтини, кинонинг эстетика ва психология билан уйғунлиги масаласини Ж.Митри, кино тилининг психология, эстетика ва семиотика билан алоқадорлигини Р.Беллур кабилар чуқур ўрганган [3].

Кинони коммуникатив воситалардан бири сифатида баҳолаш кино тили ҳақида гапиришга имкон яратади. Унинг бирликларини фазовий-пластик (визуал) ва вақтинча (оғзаки-товушли) деб аташ мумкин, шунингдек, имо-ишора, юз ифодалари, предметнинг кўриниши, фазовий муносабатлар (ландшафт), ранг ва ёруғлик, ёзма ва оғзаки тил, мусиқа ва шовқин кабилар ҳам киритилади. Кино тилида биз бутун борлиқнинг турли жабҳаларида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни кузатамиз, шунингдек, барча услубдаги нутқ кўринишларига гувоҳ бўламиз. Кино тилидаги бу жиҳатлар бадиий асар тилини эслатади, аммо айрим жиҳатлари билан ундан кескин фарқ қилади. Масалан, бир қаҳрамоннинг ташқи кўриниши ёки бирор жой тасвири

TILSHUNOSLIK

муаллиф томонидан икки-уч саҳифани ташкил этиши мумкин, аммо бу тасвир кино тилида бор-йўғи бир неча сонияларда берилиши мумкин.

Кино тилининг таъсир кучи бадиий асар тилидан бир неча марта ортиқдир, чунки кинони катта-ю кичик қизиқиш билан, экран ёнидан жилмай томоша қилади. Кинони томоша қилиш ёш танламайди. Ҳаттоки саводи чиқмаган ёш болажонлар ҳам ўз дунёқарашларидан келиб чиқиб ибрат оладилар. Агар кино тилида ёт унсурлар қанчалик кўп бўлса, тарбия ҳам шунчалик салбий томонга оғади.

Кино тили (санъат тили)ни тушуниш учун киношунослик фанидан хабардор бўлиш, маънавий салоҳият, билим талаб қилинмайди. Ушбу жиҳатга эътиборсизлик билан қараш тижорат кинолари, шунингдек, тажовузкор, бузғунчи киноларнинг ғалабаси билан тугашига асос бўлади.

Кино санъати – бу тасвирий санъат, адабиёт эса сўз санъати. Демак, кинода ҳам сўз муҳим аҳамият касб этади, аммо адабиётчалик эмас. Чунки кинода воқеалар кўз олдимизда ҳаракатланади, намоён бўлади. Биз уни ҳам кўриб, ҳам эшитиб баҳра оламиз. Беҳбудий бобомиз 1914 йил “Ойна” журналида чоп этилган “Теётр надур?” мақоласида таъкидлаганларидек, **“...теётр ибратнамодир... Яна теётрда саводсиз одам кўзи ила кўруб, кўзсиз одам эшитиб, кар мушоҳада этиб, ибрат ва лаззат олар”** [5]. Гарчи кино ва театр ўртасида тафовут бўлса-да, бу ташбеҳни кинога нисбатан ҳам ишлатиш мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, санъатлар орасида нисбатан энг ёш, навқирони кинодир. Шу сабабли кўпчилик тадқиқотчилар адабиёт, архитектура, рассомчилик, театр, муסיқа кабилар билан таққослашга эътибор беришади. Албатта, улар ўртасида ўхшашлик билан бирга сезиларли фарқ ҳам мавжуд. Айниқса, адабиёт ва кинодаги услублар бир-бирига жуда яқин. Бизнингча, кино ўзидан олдин яратилган санъат турларининг ҳар биридан қайсидир жиҳатни ўзига олган. Чунончи, театрдан драма, яъни ҳаракатни, фотографиядан тасвир композициясини, адабиётдан сюжетни, рассомчиликдан рангни, симфоник мусиқадан полифония, овозни олган дейиш мумкин. Демак, кино тили ҳақида гап кетганда юқоридаги жиҳатларни четлаб ўтмаслик зарур.

С.М.Эйзенштейннинг изланишлари бошланиши билан кино тили, биринчи навбатда, **“экспрессивлик ва визуализациянинг ўзига хос воситалари – кинода бевосита амалга ошириладиган бадиий ва техник усуллар”** [2] дея тушунила бошланди.

“Бадиий матнларнинг талқини” дарслигида кино тилининг қуйидаги хусусиятлари санаб ўтилган:

- 1) кинонинг фотографик табиати;
- 2) ҳаракатнинг мавжудлиги;
- 3) тасвирларни жалб қилувчи, махсус техникалар билан боғлиқлиги [2].

Ю.М. Лотман эса кино тили қадрият ва маъноларни ўз ичига олган рамка эканлигини, айнан шу нарса воқеликнинг фазовий-вақтинчалик тасвирини ушлаб туришини ҳамда кино ҳаракатланувчи суратларни намоён этиш орқали ҳикоя қилишини айтиб ўтган. Киношунос А.Тарковский ҳам унинг фикрларини қўллаб-қувватлайди [2].

Биз эса кенг маънодаги кино тилининг қуйидаги хусусиятларини санаб ўтамиз:

1. Аудиовизуаллик.
2. Ҳаракатлилик.
3. Мажозийлик.
4. Образлилик.
5. Экспрессивлик.
6. Коммуникативлик.
7. Кўнгилочарлик.
8. Экранны учун хосланганлик.
9. Ижтимоийлик.
10. Ихчамлик.
11. Ўзига ром қилишлик.
12. Тушунарлилик.

Ушбу жиҳатлар ҳар бир кино тилида турлича гавдаланади. Шу сабабли манбаларда “кино тили – ҳамма тушунадиган тил”, “кино тили – бу тилсиз тил”, “кино тили – кўпол тил”, “кино тили – аудиовизуал тил”, “кино тили – экран тили” каби турли хил таърифлар учрайди.

С. Эйзенштейннинг қуйидаги сўзларини эслаб ўтиш жоиз: *“Яхши фильм – бу, авваламбор, яхши сценарий, яхши сценарий – бу нафақат пухта ўйланган, балки ҳақиқий инсоний қадриятларни тараннум этувчи ҳаракатни ҳам англатади”*. Демак, бу сўзлардан англаш мумкинки, кино тилини тилшунослик аспектида ўрганиш жуда аҳамиятли. Биринчидан, яхши фильм яратилади, иккинчидан, жамият тарбияси, келажаги учун муҳим восита вазифасини бажаради. Илмий тадқиқотларни кузатганимизда оммавий ахборот воситаларининг тўртинчи тури сифатида кино тилини таҳлил қилиш кераклиги айтиб ўтилган ҳамда кино тили муаммоларига бағишланган ишлар мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, Т.Г.Добросклонскаянинг “Медиалингвистика: оммавий ахборот воситалари тилини ўрганишга тизимли ёндашув”, И.М.Кобозеванинг “Оммавий ахборот воситалари тилини таҳлил қилишнинг лингвопрагматик жиҳати”, Э.Ю.Скорородованинг “Оммавий ахборот воситаларининг замонавий матнларидаги нутқ нормаларининг динамикаси”, В.Шкловскийнинг “Кино тили тўғрисида”, А.Базеннинг “Кино ўзи нима?”, М.Мартиннинг “Кино тили”, С.Тимошенконинг “Кино ва фильмларни таҳрирлаш санъати”, М.Е.Сальцинанинг “1920-1930 йиллардаги Америка романи: адабиёт ва кино олами; мотивлар. Сюжетлар, бадиий ҳаракатлар, визуал тил” каби тадқиқотларни санаб ўтиш мумкин.

Юқоридаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўзбек тилшунослигида ҳам кино тили турли нуқтаи назардан ўрганилишни зарур. Тадқиқотлар натижасининг амалиётда татбиқ этилиши қуйидаги натижаларга эришишимизга туртки бўлади:

- биринчидан, ўзбек миллий кино санъатининг ривожига ҳисса қўшилади;
- иккинчидан, ўзбек адабий тилининг таровати, гўзаллиги сақлаб қолинади;
- учинчидан, ўзбек адабий тилини кенг ёйиш ва тарғиб этишда восита бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кино тили – мураккаб тил, уни таҳрирлаб экранга олиб чиқиш машаққатли меҳнатдир. Сценарийларни кино тили – экран тилига ўгириш учун киномуҳаррир деган мутахассис тайёрлаш зарур. Киномуҳаррир ҳам кино санъатидан, ҳам режиссёрликдан, ҳам адабиётдан, ҳам тил меъёрларидан хабардор бўлмоғи лозим. Шундагина кино тили сайқалланиб, ўз мақсадини амалга оширади. Бу мақсадни амалга оширишда эса тилшунослик фани беминнат ёрдамчи вазифасини ўтайди. Машҳур француз режиссёри Андре Базен таъбири билан айтганда, **“Ёш гўдак кимгадир таяниб оёққа турганидек, кино ҳам ўз тараққиётининг илк паллалари адабиётга таяниб, қаддини тиклади”** [4]. Бугунги кунда қаддини тиклаб олган кинони тилшунослик нуқтаи назардан таҳлил этиш сценарийнинг бадиий салмоғи юқори, олди-қочди гаплардан холи бўлишини таъминлайди. Зеро, воқеалар тизими бир-бирига ўхшамайдиган, тилининг соддалиги, жозибардорлиги билан ҳаммани ўзига маҳлиё қиладиган кинофильмлар яратиш давр талабидир.

АДАБИЁТЛАР

1. **Mirziyoev Sh.M.** Milliy kinoindustriyani rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida 2018 yil 24 iyul, PQ-3880-son [Elektron resurs]
2. <<http://www.lex.uz/ru/docs/3835308>>
3. <https://sites.google.com/site/kursliteraturaikino/home/vodnoe-zanatie-azyk-kino-i-azyk-literatury-literaturnaa-kinematograficnost-raznyh-zanrov><<https://sites.google.com/site/kursliteraturaikino/home/vodnoe-zanatie-azyk-kino-i-azyk-literatury-literaturnaa-kinematograficnost-raznyh-zanrov>>
4. <https://studref.com/473325/zhurnalistika/yazyk_kino_yazyk_ekrana>
5. <<https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/sanat/kino-tan-syujet-jon/>>
6. <<http://kh-davron.uz/yangiliklar/mahmudxoja-behbudiy-uch-maqola.html>>